

Банк пластик карталарига оид савол-жавоблар

Т\Р	Саволлар	Жавоблар
1.	Янги пластик карта очиш учун нима қилиш керак?	Мижоз ўзига яқин банк филиалига шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан ёки Агробанкнинг виртуал қабулхонаси орқали электрон шаклда ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.
2.	Тўлов терминали олиш учун нима қилиш керак?	Юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор асосий ёки иккиламчи ҳисоб рақами очилган банк филиалига терминал олиш бўйича алоқа хати (<i>ариза</i>) орқали ёки Агробанкнинг виртуал қабулхонаси орқали электрон шаклда ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.
3.	Пластик карта йўқотилганда, яроқсиз ҳолга келганда ёки муддати тугаганда нима қилиш лозим?	Пластик картанинг эгаси пластик карта очилган банк филиалига шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилиши лозим.
4.	Товар ва хизматлар учун тўлов амалга оширишда пластик карталардан тўловларни қабул қилишдан бош тортса ёки товар ва хизматларнинг нархини асосиз оширганда кимга мурожаат қилиш керак?	Давлат солиқ идораларининг ишонч телефонларига мурожаат қилишингиз зарур
5.	Пластик картанинг устидаги карта рақами ва амал қилиш муддати ўчиб кетганда, яъни ушбу рақамларни ўқишнинг иложи бўлмаганда қандай билиш мумкин?	Пластик картанинг эгаси пластик карта очилган банк филиалига шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилиши лозим.
6.	Пластик картани ШИР-коди(парол)ни нотўғри 3 марта киритилиши оқибатида қулфланиб қолганда нима қилиш лозим?	Пластик картанинг эгаси пластик карта очилган банк филиалига ёки бош офисга шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилиши лозим.

Т\Р	Саволлар	Жавоблар
1.	Виртуал терминал (Мобил савдо хизмат тури) нима?	Виртуал терминал-бу харидорнинг ва молиявий инструмент (терминал)нинг иштирокисиз тўловларни банк пластик карталари орқали амалга оширишга имкон берувчи тизим ҳисобланади. Виртуал терминал ўз товар ва хизматларини интернет тармоғи орқали таклиф этувчи компаниялар учун ҳам, уларнинг доимий мижозлари-харидорлар учун ҳам жуда кўплаб афзалликларга эга. Виртуал терминалдан фойдаланиш тўлов тизимининг мослашувчанлигини ва харидор тўлов маълумотларининг юқори даражадаги ҳимояланган бўлишини талаб қилади.
2.	Виртуал терминал (Мобил савдо хизмат тури)дан кимлар фойдаланса бўлади?	Агробанк томонидан таклиф этилаётган “ Мобил савдо ” хизмат тури орқали чакана савдо ёки пуллик хизмат фаолияти билан шуғулланувчи барча савдо шохобчалари ўз

		<p>мобил телефони орқали харидорлар томонидан харид қилинган товарлар учун тўловларни “Agrobank-Click” хизматига уланган мижозлардан қабул қилиш имкониятига эга бўладилар.</p> <p>Бундан ташқари мазкур хизмат туридан юридик ва жисмоний шахслар фойдаланаётган пайтда интернетга уланиш талаб этилмайди, аксинча, компаниянинг алоқа тармоғи ишлаб турса, кифоя. Тўловлар USSD хизмати орқали амалга оширилади.</p> <p>Мижозлар ўз телефонлари билан ушбу хизмат тури орқали савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида тўловларни амалга оширишлари мумкин.</p>
3.	<p>Банкнинг “AGROBANKMOBILE” мобил иловаси ҳақида батафсил гапириб беринг. Унинг афзалликлари нимада?</p>	<p>Биринчи навбатда банкнинг “AGROBANKMOBILE” мобил иловасини “Play-Market”дан (<i>ANDROID</i>) ёки “APP-Store”дан (<i>IOS</i>) юклаб олиш талаб этилади. Иловани ишга тушириш қуйидагича амалга оширилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Иловадан “Рўйхатдан ўтиш” тугмаси босилади; 2. Пластик карта устидаги карта рақами ва амал қилиш муддати киритилади; 3. Пластик картага СМС-хабарнома хизмати ёқилган телефон рақами киритилади (<i>бунда, албатта пластик картага СМС хизмати ёқилган бўлиши шарт</i>) ва фаоллаштириш учун “хабарнома қабул қилиш” тугмаси босилади; 4. Пластик картага СМС хизмати уланган телефон рақамига юборилган хабарномадаги махсус кодни киритилади; 5. “Олдинга” тугмаси босилиб, фамилия, исми ва шарифи киритилади; 6. 8 хонали рақамдан иборат махфий кодни (карта эгасининг ихтиёрига кўра танланади) киритиб, “рўйхатдан ўтишни яқунлаш” тугмаси босилади ва рўйхатдан ўтиш яқунланади. <p>Ушбу банкнинг “AGROBANKMOBILE” мобил иловасининг афзалликлари шундан иборатки, ушбу мобил иловада 100 га яқин хизмат турлари бўйича тўловларни амалга ошириш имконияти яратилган. Жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> -солиқ тўловлари; (<i>Давлат солиқ инспекциясига жисмоний шахслар тўлайдиган барча солиқ турларини қамраб олади. Масалан, ер солиғи, мол-мулк солиғи, Даромад солиғи-Дикларация, Қатъий солиқ ва суғурта солиғи</i>) -коммунал тўловлар; (<i>Электроэнергия, табиий газ, чиқиндилар-МахсусТранс ва</i>

		<p><i>чиқиндилар-Ҳамза Ҳаракат)</i></p> <p>-уяли алоқа ва шаҳар телефонларига тўловлар; (<i>Beeline, Ucell, UMS, Perfectum, Uz Mobile, Uztelecom, Platinum Mobile, Ҳалқаро алоқалар ва шу кабилар</i>)</p> <p>-интернет, интернет-сайтлар ва телевидения хизматлари учун тўловлар;</p> <p>-бюджетга ва мактабгача таълим муассасаларига тўловлар; (<i>Йўл ҳаракати қоидаларини бузгани учун ИИБга жарима тўловлари, Мактабгача таълим муассасаларига ота-оналар бадал пули, Олийгоҳларга шартнома пули ва ҳақозолар</i>)</p> <p>-бир пластик картадан бошқа пластик картага пул ўтказиш; (<i>P2P хизмати</i>)</p> <p>-пластик картадаги қолдиқ маблағлар ҳисобидан кредитнинг асосий қарзи ва ҳисобланган фоизини сўндириш; (<i>“Агробанк” АТБдан олинган кредитнинг асосий қарзини ва фоизини сўндириши имконияти</i>)</p> <p>-суғурта хизматлари тўловлари ва бошқалар тўловлар мавжуд.</p>
4.	<p>“AGROBANKMOBILE” мобил иловаси фақатгина Агробанк пластик карталари эгалари учунми?</p>	<p>“AGROBANKMOBILE” мобил иловасининг яна бир қулайлиги шундаки, ундан нафақат Агробанк пластик карта эгалари балки бошқа банк пластик картасидан фойдаланувчи мижозлар ҳам фойдаланиш имкониятига эгалар.</p>
5.	<p>“AGROBANKMOBILE-BIZNES” мобил иловаси ҳақида маълумот берсангиз. Унинг юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун қандай қулайликлари мавжуд?</p>	<p>Дастлаб банкнинг “AGROBANKMOBILE-BIZNES” мобил иловасини “Play-Market”дан (<i>ANDROID</i>) ёки “APP-Store”дан (<i>IOS</i>) юклаб олиш талаб этилади. Иловани ишга тушириш куйидагича амалга оширилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Хизмат кўрсатувчи Аробанк филиалига мурожаат қилади; 2. Банк дастуридан рўйхатдан ўтказилади; 3. Иловадан “Рўйхатдан ўтиш” тугмаси босилади; 4. Банк дастури билан иловани боғлаш мақсадида серия рақами ва фаоллаштириш кодлари киритилади; 7. 8 хонали рақамдан иборат махфий кодни киритиб, “рўйхатдан ўтишни яқунлаш” тугмаси босилади. <p>қУшбу мобил иловада юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун куйидаги имкониятлар яратилган. Жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> -банкдаги ҳисоб рақамидаги маблағларни тасарруф этиш (бошқариш); -товар ва хизматлар учун тўловларни ўтказиш; <p>-доимий тўловлар шаблонини ҳосил қилиш;</p> <p>-вақт ва транспорт харажатларини тежаган</p>

		<p>ҳолда банкка тўлов ҳужжатларини юбориш; -реал вақт мобайнида бу ҳужжатларнинг қайта ишланишини кузатиб бориш; -исталган муддат учун ҳисоб рақамлардан кўчирмалар олиш ва турли ҳисоботларни шакллантириш ва бошқа имкониятлар.</p>
6.	<p>“AGROBANKMOBILE” мобил илова орқали кредит ва унинг фоизини сўндириш амали бажарилганда миқдорнинг қандай маълумоти киритилиши талаб этилади?</p>	<p>Банк МФОси ва анкета рақами киртилиб амалга оширилади.</p>
7.	<p>NFC тизими ҳақида батафсил маълумот берсангиз. NFC карталарининг оддий пластик карталардан қандай фарқи бор?</p>	<p>NFC (Near field communication)–бу “яқин масофадан алоқа” деб номланиб, қурилмаларни яқинлаштириш орқали ўзаро маълумот алмашиш имконини берадиган технологиядир. Амалиётда эса NFC тизими деганда тўловларни махсус NFC карталар орқали, яъни бунда ушбу карталарни махсус қурилмага яқинлаштириш орқали тўловларни амалга оширишга имкон берадиган тизим тушунилади.</p> <p>Бугунги кунда “Агробанк” АТБ ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда аҳоли ва миқдорларга янада қулайлик яратиш мақсадида худди шундай янги хизмат тури- NFC карталар орқали шаҳар жамоат транспортида йўл ҳақи тўловларини тез ва қулай амалга ошириш хизмати жорий қилинди.</p>